

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 335+12(44)

ХОЖИБАЕВ АНВАР УМАРЗОҚ ЎҒЛИ

**ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНИК ҚАЙТА
ЖИҲОЗЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ
ТАҲЛИЛИ**

5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий рахбар:
и.ф.н., доц. А.Ядгаров**

Тошкент – 2018 й.

Диссертация ишида пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, пахта саноатини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, акциядорлик жамияти фаолияти ва кўрсаткичлари таҳлили, пахтани қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашнинг устувор йўналишлари ҳамда пахта саноати маҳсулотларининг сифатини ошириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

The dissertational work is characterized by the modernization, technical and technological re-equipment of the cotton-ginning industry, the specific features of competitive production, the socio-economic significance of the development of the cotton industry, the analysis of the activities and indicators of the joint-stock company, the priority of modernization and technical re-equipment of cotton processing enterprises trends and ways to increase economic productivity based on the quality of cotton products The abstracts have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

45 сонли баённома « 19 » май 2018 й.

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Ядгаров А.

Магистр:

Хажигаев А.

Имзо 22.06.2018
сана
Имзо 22.06.2018
сана

“Ҳимояга тавсия этилади”

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси
муdiri, доц. И.Хотамов

“15” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “23” 06 соат 14⁰⁰ да Тошкент давлат иқтисодиёт
университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
I БОБ. ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Пахта саноатини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.....	11
1.2. Пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта куrollантириш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	23
1-боб бўйича хулоса.....	29
II БОБ. ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ (“Бахт пахта тозалаш” Акциядорлик жамияти АЖ материаллари асосида).....	31
2.1. “Бахт пахта тозалаш” Акциядорлик жамияти фаолияти ва кўрсаткичлари таҳлили	31
2.2. “Бахт пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	42
2.3. “Бахт пахта тозалаш” акциядорлик жамияти корхоналарида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.....	51
2-боб бўйича хулоса.....	64
III БОБ. ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТЕХНИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	66
3.1. Пахтани қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашнинг устувор йўналишлари.....	66
3.2. Пахта саноати маҳсулотларининг сифатини ошириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш йўллари.....	74
3-боб бўйича хулоса.....	80
Хулоса ва таклифлар.....	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	86

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда пахта саноат тармоқларини ривожлантириш, мавжуд пахта хомашёсидан юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Пахта саноати ишлаб чиқариши миллий иқтисодётнинг тўлақонли шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, мамлакатда илғор технологияга асосланган пахта саноат мажмуасини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидаги мажлисидаги маърузасида “...маълумки, мамлакатимиз тўқимачилик саноати 1 миллион 400 минг тоннагача пахта толасини қайта ишлаш имкониятига эга. Бу республикаимиздаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади. Лекин пахта толасини қайта ишлаш саноатини бошқаришда кўпгина муаммолар мавжуд. Бу эса пахта хомашёсини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда рентабелликнинг пасайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантиришга оид алоҳида фармон қабул қилинди. Навоий, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш доирасида пахта хомашёсини бозор талаблари асосида етиштириш, нарх-навони шакллантириш ва сотишни ташкил этиш бўйича тажриба бошланди. Келгусида бундай ижобий тажрибани бутун мамлакатимиз миқёсида жорий қилишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”¹.

Пахта хомашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини жаҳон бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда экспорт қилиш бўйича ягона комплексни яратиш, пахта ва ёғ-мой маҳсулотларининг сифатини ҳамда рақобатдошлигини ошириш, шунингдек республиканинг пахта тозалаш ва ёғ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидаги мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабр.